

Аллоҳнинг элчисини тухматдан ҳимоя қилган ЗОТ



11:45 / 17.02.2019 2115

Яҳё ибн Маъийн қачон ҳаж қилса, Маккага Мадина йўлидан борар ва қайтишда ҳам Мадина йўлидан қайтар эди. 233 ҳижрий санада ҳаж қилиш учун йўлга чиққанида ҳаждан олдин Мадина шаҳрига кирди. Зулқаъда ойининг охирлари эди. У шу ерда бетоб бўлиб қолган ва Зулқаъда ойининг тугашига етти кун қолганда вафот этди. Одамлар унинг келганини ва вафот этганини эшитишди. Бани Ҳошим Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ғусл қилдирилган ёғочларни олиб чиқишди ва уни ҳам ўша ёғочлар устида ғусл қилдиришди. Унга жаноза ўқиди ва Бақиъ қабристонига дафн этилди. Одамлар: «Бу зот Аллоҳнинг элчисини тухматдан ҳимоя қилган кишидир», дейишарди.

«Уламолар наздида вақтнинг қадри» китобидан